

ФИТРАТНИНГ “МЕЪРОЖ”, “ЗАЙД ВА ЗАЙНАБ” ҲИКОЯЛАРИНИНГ БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нодира ХУДОЙНАЗАРОВА

тадқиқотчи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

nodiraxudoynazrova1@gmail.com

Аннотация

Мақолада Фитрат ижодининг тугунли жойига эътибор қаратилган бўлиб, унинг “Зайд ва Зайнаб” ҳамда “Меърож” ҳикоялари объект сифатида танлаб таҳлилга тортилган. Шунингдек, бу икки ҳикоя атрофидаги фикрлар умумлаштирилган ва янада кенгроқ аспектларда кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: Фитрат, “Зайд ва Зайнаб”, “Меърож”, аспект, бадий хусусият, образ ва сюжет, ҳикоя, антиимпериалистик, атеистик оғиш, модерн исломчилик ғоялари, худосизлик тарғиботи, феодал-патриархал жамият.

ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАССКАЗОВ ФИТРАТА “МЕЪРАЖ”, “ЗАЙД И ЗАЙНАБ”

Нодира ХУДОЙНАЗАРОВА

исследователь

Ташкентский государственный университет узбекского языка и
литературы имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье мы стремились сосредоточиться на узловой точке творчества Фитрата. В нашем исследовании мы выбрали и проанализировали в качестве объектов рассказы Фитрата «Зейд и Зейнаб» и «Меъраж». Мы попытались обобщить идеи, связанные с этими двумя историями, рассмотреть их анализ в более широком аспекте. В этом процессе мы поставили перед собой ряд задач и в ходе нашего исследования высказали свое мнение по этим проблемам.

Ключевые слова: Фитрат, «Зайд и Зейнаб», «Меъраж», вид, художественная особенность, образ и сюжет, сюжет, антиимпериалистические, атеистическое отклонение, современные исламские идеи, пропаганда «безбожия», феодально-патриархальное общество.

Ёзувчининг ҳар бир асарида унинг қарашлари, ғоялари ва мақсадлари яшайди. Аммо бу жиҳатлар давр руҳидан айро ҳолда мавжуд бўла олмайди. Чунки инсон шахсиятининг шаклланишида, албатта, у яшаётган давр ва

муҳит етакчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Асардаги воқеаларда ифодаланаётган ҳақиқатлар хоҳ ҳаёлий, хоҳ ҳаётий бўлиб аксланмасин, ҳақиқат барибир ўзгармай ҳамиша мураккаблигича қолаверади. Жадидчилик ҳаракатининг ёрқин намояндаси Абдулҳамид Сулаймонкул ўғли Чўлпоннинг: “Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилғусидир...” [4], деган таъкиди юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғидир.

XX асрнинг 20-30-йилларида жадид адабиёти етакчиларига аёвсиз зулмлар ўтказилар, ёзилган асарларидан бошқа мақсад қидирувчилар топилар эди. Абдурауф Фитрат қаламига мансуб айрим ҳикоялар ҳам ана шундай мақсадлар йўлида нотўғри талқин қилина бошланди, аниқроқ айтганда, амалдаги ҳукуматнинг таянч мақсадларига хизмат қиладиган мазмунда тарғиб қилина бошланди. Улар учун Фитрат каби машҳур, халқ эътиборига тушган, етук ва теран фикрли инсоннинг асарлари жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлди.

Мустамлакачи ҳукумат ҳам бу борада нозик бўлган масала, яъни жадидлар ва диндорлар ўртасидаги бош келишмовчиликдан устамонлик билан фойдаланди. “Туркистоннинг Россияга қўшилиши билан Ислом ҳам ўзининг аввалги иқтисодий қудратини йўқотди... Ўрта Осиёга темир қадам билан бостириб кирган капитализмнинг бошланиши феода-патриархал жамиятни ичкаридан портлатиб юборди” [1]. Фитратнинг аслида бошқа мақсадни кўзлаб ёзган ҳикоялари давр ва муҳитнинг бош ғоясининг қурбонига айланди десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўз даврида нотўғри талқин қилинган бу ҳикоялардаги асл мақсад нима эди? Ростан ҳам ўша вақтларнинг машҳур нашри “Худосизлар” журналининг ғояларига тўғри келармиди? Фитрат ҳаёти бўйича иш олиб борган адабиётшунос олим, жадид адабиёти даврининг етук тадқиқотчиси Беғали Қосимов ҳам юқоридаги саволларга атрофлича тўхталиб, бу борада ўз қарашларини баён этади: “Фитратнинг Ватан ва миллат озодлиги, истиқлол борасидаги фикрларини кузатишда унинг 1917-1918 йилларда маҳаллий матбуотда, хусусан, “Хуррият” газетасида эълон қилинган мақолалари

алоҳида бир қимматга эга. Фитрат ўнлаб ҳикоялар ёзди. Улар орасида “Қиёмат” (1923) катта шухрат топди, қайта-қайта нашр қилинди, бироқ аксарият ҳолларда шўро мафкурасига мослаб талқин этилди” [3]. Адабиётшунос олимимизнинг мана шу хулосаларининг ўзиёқ фикрларимизга далил бўла олади.

Аввало, бадиий хусусият деганда, асарнинг тили, шакли ва мазмунининг қанчалар уйғунлиги, ёзувчи мақсадининг образ ва сюжетда ёритиб берилиши каби жиҳатлар тушунилади. Ишимиз объекти бўлган икки ҳикояни таҳлил қилган ҳолда, мазкур ҳикояларнинг бадиий хусусиятлари, улардаги муштарак жиҳатлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён қилдик.

Илк ҳикоя “Меърож” бўлиб, у 1928-1932 йиллар оралиғида ёзилган. Ҳикоя ровий тилидан туш мотиви асосида ҳикоя қилинади. Ҳикоя билан танишиш жараёнида ўқувчида ровий ёзувчининг ўзими ёки давр талаби натижасида шаклланган шахслардан бирими, деган ҳақли савол туғилади. Ҳикоя ҳаммомга келган ровий ва у билан бирга келган бир масжид имомига хизмат кўрсатаётган икки ходим тасвири билан бошланади. Асар сюжети ҳаммомда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар асосига қурилган. Исломда Аллоҳ ҳақида гаплашилмайдиган, унинг номи баланд овозда зикр қилинмайдиган жойлардан бири ҳаммом ҳисобланади. Жамоат ҳаммомларига бориш эса тақиқланади (бу ўринда бир неча киши бир пайтда битта хонада ювинадиган ҳаммомлар назарда тутилган (изоҳ муаллифники). Фикримизча, бундай сюжет мотивидан фойдаланишдан мақсад шуки, ёзувчи томонидан бу даврда бутун мамлакат Аллоҳнинг номини тилга олиб бўлмайдиган ҳаммомга айланди, биз эса шунинг ичида қолдик деган фикр илгари сурилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки ҳикоя айна “худосизлик” тарғиботи кучайтирилган бир даврда ёзилган. Ҳикоя сюжети эса диний, яъни Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг меърожга чиқиш кечаларини ҳажвий йўл билан баён қилишга асосланади. Меърож мусулмон оламининг энг улуғ куни бўлиб, бу кунда мусулмон аҳлига намоз, рўза каби улуғ амаллар фарз

килинади. Фитрат каби етук дин олимининг айнан шу ҳолатни ўзига сюжет қилиб танлаб олиши ва бу асосда юмористик руҳдаги асар ёзишидан кўзланган асл мақсад-муддаоси нима эди? Биринчи хулоса шуки, Фитратнинг ўзи томонидан “диндан қайтиш” деб айтишни бир қарашда анча тўғри қарор деб ўйлаш мумкин. Аммо ҳикоянинг ичида буни инкор қиладиган жиҳатлар ҳам бор, яъни Фитратнинг меърож ҳақида бу қадар ишонч билан, худди кўргандек ҳикоя қилиши ўша даврдаги айрим дин уламоларининг диннинг асл моҳиятидан узоқлашганини, ўзларининг манфаатлари йўлида динни шарҳлашга, татбиқ қилишга ҳаракат қилишларини, турли янглиш фатволар бериши билан боғлиқ ҳолатларнинг сатираси деса бўлади. Фитрат ҳикоясини бошдан охир муболаға санъати асосига қуради. Қаҳрамонлар ҳам шу қадар моҳирлик билан танланадики, ёзувчининг заковатига ҳайрон қолмай иложимиз йўқ. Масалан, бир мижоз уламо, бошқа бири эса ҳикояни айтувчи, маърифатпарвар, замонавий, замон руҳига қадам қўйган шахс, яна бири эса оддий ходим. Ёзувчи жараёни уламо ва ходим энди суҳбатга киришаётганида, замонавий шахснинг уйкуга кетиши ва суҳбатнинг илк қисмини эшитиб, қолганини тушида тасаввур қилиши билан бошлайди.

Айнан шундай сюжет танланишидан кўзланган асосий мақсад шу эдики, мазкур даврда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, диний жараён, ҳаёт тарзи, бу хоҳ ҳукуматнинг сиёсати бўладими, хоҳ қадимчиларнинг ҳаракатлари, аслида вазият шу қадар чигаллашиб кетгандики, ҳаммаси тушда бўлаётгандек тасаввур уйғотади деган фикр илгари сурилган эди. Ҳикояга мотив сифатида меърож тунининг олиниси ва бу сатира билан ифодаланишидан кўзланган бошқа яна бир мақсад ҳам мавжуд, яъни Меърож бутун исломиятга янгиликни, янги бир даврни бошлаб берган, фарз амаллари аниқлашган, мусулмонларнинг чин эътиқодий қарашлари шаклланган бутун ислом тарихининг тожи бўлган кеча эди. Мана шу жиҳатдан олиб қараганда, 1917 йил 27 ноябрда ташкил қилинган Туркистон Мухторияти ҳам, Фитрат назарида жамият ҳаётида айнан шу ҳолатга тенглаштирилган эди. Ҳатто бу кунни “Миллий лайлатулқадримиз”

деб атайди, 1917 йилги октябрь воқеаларига ҳам умид боғлайди, 1920 йилда ташкил топган БХССРнинг тараққиёти учун хизмат қилишга шайланади. Фитрат эса бу кунларнинг барчасини “Меърож” кечаси каби улуғ бир янгилашни сифатида қабул қилган бўлиши мумкин. Хаёллари амалга ошмагач, ҳар икки тарафнинг айбларини улар истаган усулида юзларига “солиш” учун шу сюжетни танлайди.

Асардаги мазкур диалог унинг бадиий ғоясини очишда, талқин қилишда алоҳида аҳамият касб этади:

- *Худо илтифот билан пайғамбарга қаради:*
- *Ё Муҳаммад қандай мушкулнинг бўлса, сўраб қол, ҳаммасини осон қилай, – деди.*
- *Ораларида шундай суҳбат бўлди:*
- *Мени бу ярим кечада нечун чақирдингиз?*
- *Сенга ўзимнинг марҳаматимни билдирмак учун.*
- *Ҳалиги тарвуз ичида нечун бу қадар югуртирддингиз?*
- *Қудратимни кўрсатмак учун.*
- *Бутун махлуқларингиздан қайсисини яхши кўрасиз?*
- *Одамларни яхши кўраман.*
- *Бутун томоқлардан қайсиси сизга маъқул?*
- *Шовла билан ширбурунч маъқул.*
- *Суҳбат шу ерга етганда ўзимни тута олмадим:*
- *Тақсир – дедим, – шундай экан, бу қадар пардалар орқасида беркиниб ётишингизнинг нима маъноси бор? Ташқарига чиқиб, яхши кўргангиз одамлар орасида марҳамат, қудрат кўрсатиб, шовла билан ширбурунч еб юрсангиз бўлмайдими? [2].*

Бу ерда аслида ровий ва Муҳаммад (с.а.в.) образлари халқнинг маърифатпарварларига, Жаброил (а.с.) образи эса юқоридагиларнинг топшириқларини сўзсиз бажарувчиларга, “худо” образи билан эса Фитрат ўзи умид боғлаган, халққа маърифат ва эркинлик олиб келади деб ҳисоблаган большевикларининг фақат буйруқбозликдан иборат сиёсатлари билан халқ

ҳаётига бирор-бир енгиллик, ёруғлик, янгилик олиб келмаганини кўрсатишга ҳаракат қилади. Ровийнинг Жаброил (а.с.)нинг қанотига сиқилиб келиб қолиши ва қанча жим туришга ҳаракат қилмасин, бемаъни кўринган ҳолат олдида жим тура олмани ёзувчининг бевосита ўзининг тасвирига ўхшайди. Яъни “динсиз” кўринса ҳам, аслида вазиятга эътиборсиз эмаслиги, асосий ғоясидан адашмаганини ифодалашга хизмат қилади.

“Зайд ва Зайнаб” ҳикояси билан танишар эканмиз, биз мазкур ҳикояни таҳлил қилишда бир қатор чигалликларга дуч келганимизни таъкидлаб ўтишни жоиз деб билдик. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаётликларидан бугунга қадар уларнинг ҳаёти билан боғлиқ турли бўҳтонлар ва уларни ёлғончига чиқаришга оид ҳаракатлар бўлиб келганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шулардан бири пайғамбаримизнинг Ҳазрати Зайнаб онамизга уйланишлари бўлса, иккинчиси, асални истеъмол учун ҳаром қилишлари билан боғлиқ бўлиб, бу икки ҳолатда ҳам Аллоҳ томонидан алоҳида ваҳий туширилади. Ҳикоя сюжетидаги воқеа-ҳодисаларда ҳам ҳам айни шу икки жиҳатга эътибор қаратилади.

Ҳикоя бошида бир неча араб аёллари сувга борар экан, пайғамбар (с.а.в.)нинг барча аёлларини қўйиб юборгани ва бунга Ойиша онамизнинг туҳматлари сабаб бўлганини гаплашиб кетишлари жараёни акс эттирилади. Ҳақиқатдан ҳам, пайғамбаримиз (с.а.в.) томонидан асал ҳаром дейилади. Бунга эса аёллари Ойиша ва Ҳафса оналаримизнинг ўзаро келишиб, иккиси ҳам пайғамбаримиз (с.а.в.)га асал еганликлари учун оғизларидан бадбўй хид келаётганини айтишлари натижасида пайғамбаримиз (с.а.в.) асални ҳаром деб эълон қилганлари ҳадисларда ва бевосита Қуръони Каримнинг Таҳрим сурасида нозил қилинади. Таҳрим сурасидаги оятда қуйидагича мазмун англашилади:

Таҳрим сураси 1-оят:

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ لِمَ تُحَرِّمُ مَا أَحَلَّ اللَّهُ لَكَ تَبْتَغِي مَرْضَاتَ أَرْوَاحِكَ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ

1. Эй пайғамбар, нега сиз жуфтларингизнинг розилигини истаб Аллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб олурсиз?! Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир [5].

Изоҳ. Ушбу ояти карима нозил бўлишининг сабаблари ҳақида бир неча ривоятлар мавжуд бўлиб, улардан бири “Саҳиҳул-Бухорий”да келтирилган қуйидаги ривоятдир: Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом жуфти ҳалоллари Зайнаб бинти Жаҳш (Аллоҳ ундан рози бўлсин)нинг хоналарида истироҳат қилиб, онамиз қуйиб берган асал шарбатидан ичиб ўтирар эканлар, бошқа аёллари Ойиша ва Ҳафса оналаримизнинг (Аллоҳ улардан рози бўлсин) рашклари келиб, Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом бу ердан чиқиб қайси биримизнинг олдимизга кирсалар: “Мағофийр (ўзи лаззатли, аммо саримсоққа ўхшаган бадбўй таом) едингизми?”, деймиз, деб келишиб оладилар ва Расулуллоҳ олдиларига кирганларида, ҳар иккалалари ўша сўзни айтадилар. Шунда ҳар қандай бадбўй хидни ёмон кўрадиган Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Йўқ, мен фақат Зайнабнинг олдида асал шарбатини ичган эдим”, деб қайта асал тановул қилмасликка қасам ичганларида юқоридаги оят нозил бўлади.

Фитрат ҳам ҳикоянинг шу сюжетиға шу ҳолатни асос қилиб танлайди, аммо оятнинг тушиш сабабини бошқача қилиб тасвирлайди. Бу воқеа бўлиб ўтаётганида, худдики, Зайнаб онамиз ҳали ҳам пайғамбаримизнинг завжалари бўлмагандек кўрсатилади. Аёллар ҳам айнан асалнинг ҳаром қилиниши билан боғлиқ воқеани муҳокама қилиб келишарди. Аёллар айнан бир жиҳатга, яъни нима учун шу ҳолат юз бераётган вазиятда бирдан ушбу оят келмади-да, орадан 10 кун ўтиб келди, дея “Муҳаммад пайғамбар ва унинг “худо”сини маломат қилишарди”. Шу ўриндаги масалага эса айнан Қуръони каримнинг ўзидан жавоб қидирамиз. Мусулмонлар Уҳуд жангидан кейинги ғалабадан бироз кибрландилар ва шунинг натижасида пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзига қулоқ тутмай Бадр жангида мағлубиятга учрадилар. Аллоҳ уларни бу мағлубиятдан олдинроқ огоҳ қилиши мумкин эди. Аммо инсонларнинг ўзлари хулоса қилишларини кутди. Бундан хулоса шуки,

оятлар ўз-ўзидан, ёки фақат пайғамбар (с.а.в.)ни олдиндан огоҳлантириб қўйиш учун эмас, балки вазият ёмон томонга кета бошлаганида тушади. Бу эса, ўз-ўзидан, Қуръоннинг “Тафаккур қилинг” оятига яна бир ишорадир.

Ҳикоя сюжетида кузатиладиган кейинги тортишувли жиҳат Зайнаб онамиз ва Зайднинг орасидаги муносабатларда Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўрни масаласидир. Фитрат мазкур жиҳатни ҳам “Астаффируллоҳ” дейдиган даражада бериб ўтади. Бир жиҳатдан олиб қаралганда, бундай тасвирлар билан замона муллаларининг “кўпхотинлик” билан боғлиқ қарашларини ва айрим вақтларда бир аёлга ёки ёш қизга етишиш учун қандай ҳийлалар қўллаганини халқ тили билан беришга уринишлар кузатилади. Ҳикоя сюжетидаги воқеаларнинг асл тарихий ҳақиқати Қуръони Каримнинг Азҳоб сурасининг 36-67-оятларида батафсил ҳикоя қилинади: “Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилган – буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўзлари хоҳлаган ишларини ихтиёр қилишлари жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига осий бўлса, бас, у очик йўлдан озибди” [6].

Аммо Зайнаб онамиз Зайд каби қулдан чиққан инсон билан яшашни истамаганлари учун оилада доимий жанжаллар чиқиб турарди. Охир-оқибатда, Зайд Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнига бориб, Зайнабдан арз қилади. У билан ажрашмоқчиликларини билдиради. Бу вақтда Пайғамбаримиз (с.а.в.)га бу ҳақида билдирилган ва Зайнаб онамизни ўзларига никоҳлашларидан хабардор эдилар. Аммо халқ ўғли ажрашган аёлга уйланибди дейишидан кўрқиб, бу ишни кечиктиришни маслаҳат берадилар. Шунда суранинг 37-ояти нозил бўлади: “(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), эсланг, Сиз Аллоҳ (исломга ҳидоят қилиш билан) инъом-марҳамат қилган ва Сиз ҳам (қуллиқдан озод қилиб, ўзингизга ўғил қилиб олиш билан) инъом қилган кишига (яъни Зайд бинни Хорисага): “Жуфтингни ўз ҳузурингда ушлагин (яъни талоқ қилишга шошмагин), Аллоҳдан кўрққин”, - деб Аллоҳ ошкор қилгувчи бўлган нарсани ичингизга яширган эдингиз ва Аллоҳдан кўрққингиз ҳақроқ бўлгани ҳолда, Сиз одамлардан (яъни уларнинг таъна

килишларидан) кўрққан эдингиз. Бас, қачонки, Зайд ундан (яъни Зайнабдан) хожатини адо қилгач (яъни уни талоқ қилгач), Биз Сизни унга уйлантирдик. Токи мўминларга асранди болалари ўз хотинларидан хожатларини адо қилишгач, (яъни уларни талоқ қилишгач), уларнинг (хотинларига уйланишларида) танглик бўлмаслиги учун (шундай қилдик). Ва Аллоҳнинг амри иродаси қилунгувчи бўлди” [7]. Бир жихатни алоҳида айтиб ўтишни истардикки, Фитрат каби етарлича диний таълим олган олим бу оятлар мазмун-моҳияти билан таниш бўлмаслиги мумкин эмас. Шу нуқатаи назардан келиб чиқиб, Фитрат бу оят билан яхши таниш бўлгани аниқ эканлигини ҳисобга олсак, бу ерда атайин маълумотларни қориштириш орқали ўз мақсадини аниқроқ ёритишга уриниш мавжуд деган хулосага келишимиз мумкин.

Биз юқорида таҳлил қилиб ўтган ҳар икки ҳикоянинг ҳам бадиий хусусиятида муболаға санъати етакчилик қилади. Мазкур икки ҳикоянинг сюжети ҳақиқатда ҳозирги мустақиллик фарзандлари учун жуда ҳам “эриш” туюлиши табиий ҳол, албатта. Аммо асар яратилган давр ва муҳит нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, мазкур ҳикояларда ўз даври учун нақадар долзарб ва жиддий муаммолар кўтариб чиқилганининг гувоҳи бўламиз. Фитрат ҳақида Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихига материаллар” китобида берган маълумотларга таянган жаидишунос олим З.Абдирашидовнинг қуйидаги хулосалари бизга жуда ўринли маълумотлар беради: “Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихига материаллар” китобидан келтирилган юқоридаги кўчирмадан Фитрат Истанбул сафарига қадар Шарқ мусулмон давлатларида анча кенг ёйилган антиимпериалистик модерн исломчилик ғоялари билан қизиққанлиги ва бу борадаги асосий маълумотларни 1908 йилги 2-конституциявий инқилобдан кейин Туркиядаги исломчиликнинг асосий нашрларидан бири бўлган “Сироти Мустақим” журналидан олганлигини билиш мумкин” [8]. Мана шу маълумотларга асосланган ҳолда айтиш жоизки, ғоявий қарашларга кучли берилиш натижасида ёзилган ушбу ҳикоялар, Фитрат тили билан айтганда,

“динсизликка”, Эрик Каримовнинг хулосаларига таянган ҳолда айтадиган бўлсак, “кучли пафосга берилишга”, У.Жўрақуловнинг ёндашувига кўра эса “оғиш”га ўхшайди. Аммо Садриддин Айний ҳам ўз ижодида ва асарлари таҳлилида советча қарашларга эргашгани маълум. Биз Фитрат ижоди намуналарини таҳлил қилиш, Фитрат шахсияти, ижоди ҳақидаги маълумотлар, таҳлиллар, қарашлар билан танишган ҳолда айтишимиз мумкинки, Фитрат каби ақлли олимнинг бундай ҳикоялари олдиндан ўзини ўзи ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатга ўхшайди. Нега бундай хулосага келдик? Бунинг сабаби шундаки, 1920 йиллардан кейин сиёсий арбоблар, жамиятнинг илғор фикрловчи вакиллари бир неча маротаба юқорига чақирилиб, турли “огоҳлантирилишлар” олиб қайтишган эди. Бу шахслар орасида Фитратнинг яқин сафдоши ва дўсти Ф.Хўжаев ҳам бор эди. Бундай чақиришлар, огоҳлантиришлар, тазйиқлар вақт ўтиши билан йилдан-йилга ошиб боргани ҳеч биримизга сир эмас. 1920 йилдан фаолиятини сиёсат билан жиддий боғлаган адибга 1923 йилда турли бўҳтонлар қилинади ва уни “чақириб олинган” сифатида Москвага олиб кетишади. Москвадаги Шарқшунослик институтида илм билан шуғулланади. Фикримизча, мана шу даврларда унга турли тазйиқлар, таъсирлар ўтказилади. Шу сабабли ҳам адиб, юқоридаги каби ҳикояларини ёза бошлайди.

Фитрат ижодига мансуб мазкур ҳикояларни таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулосаларга келдик:

1. 1920 йилдан бевосита унинг атрофидаги инсонларга нисбатан тазйиқнинг кучайиши ва бу ҳолатнинг 1923 йилда Фитратнинг ўзига қаратилиши, унинг ўзини “диндан қайтганман” деб эълон қилишига ва бунинг исботи сифатида шундай мазмундаги асарлар ёзишига сабаб бўлди. Чунки Фитрат каби дунёқараши кенг, воқеа-ҳодисаларга холисона баҳо бера оладиган ақлли олим яхши англардики, ўша даврда шунчаки ўлиб кетиш эмас, балки халқнинг кўпроқ қисмини маърифатга етаклаш, бунинг учун қўлдан келганича ҳаракат қилиш лозим эди. Бу йўлда эса баъзан юқоридагиларнинг ҳам қарашларини “ҳурмат” қилган ҳолда муносабатда

бўлиш фойдадан холи эмас эди. Чунки Фитрат концепциясининг биринчи масаласи маърифатпарварлик эди.

2. Агар Фитрат ҳақиқатдан ҳам “диндан қайтгани” учун юқоридаги каби ҳикоялар ёзганида эди, у фақат бундай руҳдаги ҳикоя ёки мақолалар ёзиш билан чекланиб қолмас, балки “атеист”лигини тан олгунига қадар ёзган барча асарларини реформа қилишга ҳаракат қилган, ёки уларни умуман инкор қилувчи каттароқ жанрдаги асарлар ёзган бўлар эди. Аммо Фитрат фақат кичик сюжетдаги ҳикоялар билан буни “исботлашга” интилгани сабаб биз унда том маънодаги атеистик оғиш мавжуд бўлмаган деб ҳисоблаймиз.

3. Фитрат ҳикояларидаги яна бир жиҳат эса қуйидагича бўлиб, бу ҳам, фикримизча, алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат ҳисобланади. Яъни Фитрат ўз асарларида бирор ўринда тўғридан-тўғри Пайғамбар (с.а.в.) тилидан гапирмайди. Балки атрофидаги инсонлар тилидан ҳикоя қилади. Фикрларини уларнинг қарашлари каби беришга интилади. Ислом тарихи, Қуръон, фикҳ илмини кучли билса ҳам, асал билан боғлиқ Таҳрим сурасининг тушиш сабабини бошқача ифодалайди, тарихий “хатоликка (бизнингча, атайин) йўл қўяди”. Ўз замондошлари, хусусан, Айний Фитратнинг бир муддат мадрасада талабаларга ислом тарихидан дарс бергани ҳақида маълумот беради. Шундай етук олимнинг бундай тарихий маълумотни “чалкаштириб” қўйиши бизнинг мана шундай хулосага келишимизга сабаб бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. – Ташкент: Наука, 1975. – 192 с.

2. Фитрат. Меърож: ҳикоя. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1987 йил, 25 декабрь, 52-сон. 8-бет.

3. Қосимов Б. Маслакдошлар: Беҳбудий, Ажзий, Фитрат – Тошкент: Шарқ, 1994. – 160 б.

4. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/normat-yuldoshev-chulpon-va-turk-sheriyati/?lng=lat>

5. <https://www.musulmonlar.com/66-tahrim-surasi/>

6. <https://www.musulmonlar.com/33-ahzob-surasi/>

7. <https://www.musulmonlar.com/33-ahzob-surasi/>

8. http://jadid.sosgroupp.uz/uploads/docs/research_story/2022-09-10/nOQcsQn9gi3gjrQ7VZZYsKyXc7g1VmattXCBWOu.pdf